





Геология

# ИЗФИРИН ҲАМ ПИСАНД ЭМАС

**Нодр ва рангли металл захирасини аниқлаш ва ўрғаниш бўйича республикамизда ягона ҳисобланган "Шарқий Қурама геология экспедицияси" очик акциядорлик жамиятида иш кўламини кенгайтириш, корхонани иқтисодий ривожлантириш, шу йўл билан янги иш ўринларини очиб чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда.**

Янги объектлар очиб юзасидан 2007-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури ижросини таъминлашга ҳаракат қилаётган корхона жамоаси ўтган йили 13075 погон-метр ҳамда геология-кўмир ишларини бажариб, Олинган соф фойда эса 22 миллион 285 минг сўмга етди.

Корхонада эришилган ютуқлар мустаҳкамлаб, шу йилнинг 10 ойи режа-топшириқлари ҳам охири билан бажарилди. Бир сўз билан айтганда, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30 фоиз ўсишга эришилди.

Бундан юқарида иш ўринларини янада кенгайтириш мақсади билан манфаатлари ҳимоялаш масалаларида қорхона раҳбарияти алоҳида эътибор қаратади. Геологлар иши тоғу тошда бўлгани учун Қурама, Чодак геология-кўмир участкаларида табиий ва бошқа зарур маъмурий хизмат турлари йўлга қўйилган.

Кўш ишчиларида ҳам геологлар иш суръатини пайсантирмайдилар. Масалан, кон очиб бўйича Чодак геология партиясида 5 та, Қурама геология партиясида эса 4 та бургулаш бригадалари иш олиб боради. Турги, қорхона ҳозирча кон-кўмир ишларига оид янги техника ва зарур ускуналарга тўлиқ эга эмас. Шунга қарамай, иш унвондорлиги йилдан йилга охири боради. Табиийки, бунда механика-таъмирлаш цехи соловчиларнинг хизматлари катта. Цех бошлиғи Мунаввара Дониёрованинг эътирофи эшонки, бу ерда асосий ишдан ташқари, аҳоли эҳтиёжи учун кенг турдаги

халқ истеъмоли моллари — темир ва ёғоч чикиндисидан ҳовлига мўлжалланган темир қаровотлар, эшик ва майраза панжалари, бошқа ҳаёда ҳужайра буюмлари тайёрланапти.

Бундан ташқари, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган касаначиликни ривожлантиришга ҳам эътибор қўйилмоқда. Ҳозирги кунда уй шароитида 15 киши нодр металлари лабораторияда аниқлаш учун мўлжалланган махсус қопчалар, шунингдек, иш кийимлари тикиш билан шуғулланапти. Уларнинг ҳар бирига қорхона ҳисобидан иш ҳақи белгиланган.

Давр талабларидан келиб чиққан ҳолда изланишларни изчил давом эттиришга, — дейди қорхона директори Эргашон Эсонов. — Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат геология қўмитаси бўйича геология-кўмир ишларини жадаллаштириш тўғрисида"ги қарори геология соҳасида туз бўрилишлар ва ўзгаришларга асос яратиши шубҳасиз. Демокраника, яқин келажакда қорхонамизга нодр ва рангли металл захирасини аниқлаш ва очиб ишларини янада жадаллаштиришга қўмандиривчи янги техника ва технологиялар жалб этилиши кўзда тутилмоқда. Зеро, мустақил давлатимиз ҳаётини мамлакатлари ўртасида ўзининг беҳисоб қимматбахор ерости бойликлари билан ҳам алоҳида ўринга ва нуфузга эга.

**Мунаввара ИСОКУЛОВА,**  
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Ҳамкасблар ёди

**"Тошкент ҳақиқати" газетаси таҳририятида жуда кўп юқори малакали журналистлар баракали ижод қилишди. Уларнинг қасбга ва ҳаётга муносабатлари, иқтидор ва салоҳиятлари ўзига хос. Шу ижодий мактаб вакиллари билан бири — марҳум журналист Босит Халиловнинг фаолияти ҳам серқирра ва ўрнатқуч бўлишига аризулик эди.**

Босит Халилов ҳар бир масалага ўткир кўз билан қарарди. Кўтилмаган ҳолатлардан ўзига хос хулосалар чиқариб, мақолани шундай ёздики, газетхон мириқиб ўқиб, ҳузур қиларди. Ўтган асрнинг 70-йиллари Бўка тумани раҳбарларидан бири матбуотчилик билан ҳар ўрашганида бир воқеани кула-кула хикоя қилиб берганини ҳикоя ҳамкасбларимиз яхши эслашди. Қачонки, ижодкорлар шу тўғрисида сўз қиларди, у киши жилмайиб:

— Босит ака саломатмилар? — деб сўраб қўяркан.

Шундай сўхбатлар чоғида, гап орасида бир воқеани хикоя қилиб бераркан: — Бир кун кечқурун эндигина бошланган мажлисимизга Босит ака кириб келди. Бир чекада жигина ёзиб-чикиб ўтирганларига кўзим тушди. Раҳбарларда, мутахассисларимизда кўпроқ гап-сўз тўпланиб қолган эканми, кенгашимиз чўзилиб кетди. Бир пайт Бўканинг у-бу томонларидан хўрозларнинг тонги қичқирлиқлари қўлқоч чалиниб қолди. Ҳаммамиз бир-биримизга ҳайратлиқ қараганимиз эсимизда. Ўша аснода ҳаёлимиздан бир фикр ўтди: "Қаранг-а, тонг отиб қўлибди-ю, бизлар мажлисозликдан бўшамабмиз".

Орадан икки-уч кун ўтиб, идорада шов-шув кўтарилди. "Тошкент ҳақиқати" газетасида "Хўрозлар қичқирди" газетасида сарлаваҳали катта танқидий мақола эълон қилиниб, туманимиздаги камчилик ва нуқсонлар кескин қораланган эди. Очиги, Босит акага ҳам қўйил қолганман ўшанда. Мақоланинг сарлаваҳасини ҳам топиб қўйганлар. Ҳаммамиз уни ўқиб, тон берганимиз.

Босит Халиловнинг ҳаётда ўз ўрнини эгаллаш жараёни осон кечмади. Болалар уйдари тарбияланиб, етти йиллик мактабни битирган, Тошкент қорхоналаридан бирига од-

"Ўқитувчилар газетаси"да масъул котиб, кейин муҳаррир бўлди. 1954 йили "Тошкент ҳақиқати" газетаси ташкил этилаётган кезлари янги таҳририятга ишга тақлиф қилинди.

Ёзувчи ва журналист вилорларга ҳам маъқул бўлиб қолгани учунми, унинг ҳар бир мақоласини алоҳида интиқлик билан кўтишарди.

Камгап, ҳаммиса ўз нуктаи назарини майингина ифода қилмайдиган бу устоз журналистнинг ҳамкасблар нихоятда қадрдорлариди.

Чунки, ўрнига тушган, топиб қўйилган сарлаваҳа — ярим ютуқ, бунга асло унутмайлик. Ижодкор мавзунини яхши билиши, далил ва рақамларини синчиқлаб ўрғаниши, таҳлил қилиши, уларнинг маъносини чуқур идрок эти-

лардан пул йиғиб кетгани, лекин расмдан ун-тўрт ойлаб дарақ йўқлиги ҳақидаги гап-сўзлар қулгоғига чалиниб қолди. Бу воқеага қизиқиб, ўша фотомуҳбирнинг исми-шарифини аниқлади. Маълум бўлишича, ҳонани сураткаш ўзини ЎзТАГ фотомуҳбири деб таништириб, катта-кичик раҳбарлар билан ўрашиб, ҳўжалиқларда йиллаштириб кетиб, дамма кишиларни чўв тушириб юраркан. Босит аканинг "Мазахўрак" фельетони шу тарихга юзга келди. У газетани "Хўсанов оғза чикди, кетидан гавог чикди" тағсарлаваҳаси билан эълон қилинган. Бу ҳам тиниб-тинимас, ташаббускор журналистнинг ижодий изланишларидан ибратли бир намуна, албатта.

Ўттиз йилга яқин умрини "Тошкент ҳақиқати" билан боғланган журналист ҳаётини пухта ўрғаниб бориб, бадиий ижодга қўл урди. Унинг дастлабки ҳикояси "Тошкент ҳақиқати" газетасида эълон қилинган эди. Ижоди камол топиб, иқтидорли журналист драматургия соҳасида ҳам қалам тегрота бошлади. Босит Халиловнинг "Ошиқлар", "Давоғарлар", "Совчилар", "Гулбахор қани?", "Раис уйлари", "Ҳамид Фулом билан ҳаммуаллифликда ёзилган "Шерали" сингари драматик асарлари республика ва бир қатор вилоятларнинг театрларида саҳналаштирилган. "Якка қайрағоч", "Иқбол чирого" киссалари китобхоналар томонидан илқ кутуб олинган. Бу асарларда асосан қишлоқ ҳаёти акс этирилиб, образлар жонли, ёрқин гавдалантирилган эди.

Устознинг ижодий тажрибалари газетамизнинг бугунги ёш қаламкашлари учун ибрат бўлиб қолмоқда.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**  
СУРАТДА: Босит Халилов (ўнгда) таҳририят ходимлари билан газетанинг навбатдаги сонини муҳокама қилиш чоғида.

# САРЛАВҲАСИДА СЕҲР БОР ЭДИ



дий ишчи бўлиб кирди. Уни ҳамма нарса қизиқтирарди, кўп ўқирди, ёшлиқдан қўлига қалам олиб, машқ қиларди. У қорхонадаги устозлари, мураббийлари, ҳамкасб тенгдошлари ҳақида газеталарга мақолалар ёза бошлади. Ишчилар ҳаётини акс эттирувчи "Севги алоҳиси" бир пардали пьесасини ўз саҳналаштирган, бош қаҳрамон ролинини ҳам ўзи ижро этган. Шундан кейин "Ўзбекистон" уни билим олиш учун сценарийчилар курсига ўқишга юборди. 1931-1932 йиллари газетани кезар, воқеа-ҳодисаларни синчиқлик билан кўтарди. Деярли барча туманлардаги катта-кичик раҳбарлар, мутахассислар орасида кўплаб дўстлар орттирганди. Шу босис жойлардаги барча гаплардан ҳаммиса ҳабардор бўлиб турарди. Аини шу жиҳат мақолалари нихоятда ўқилиш, ҳақчил ва таъсирли қилишига сабаб бўларди. У киши тўғрисида, ҳар қандай шароитда ҳам ўз фикрини айта оладиган ижодкор эди. Ҳеч қачон, ҳеч қачон озқортир қилиб ўтирмади, камчиликларни ўчатиб қолганда сарлаваҳалини англаб етмаганича қўямасди. Ижодкордаги аини шу ҳаққўйлик газетхон-

лашарди. Босит Халилов қанотли, қуйма сарлаваҳалар топишга, қайроқи гаплар тўқийша нихоятда уста бўлган. Ижодий жамоа йиғилишларидан бирида у шундай деган эди: — Гоҳи хайрон қоламан, баъзи ҳамкасбларимиз мақолани ёзиб қўйиб, унга сарлаваҳа қидиришарди. Ахир, ижодий иш дегани бунақа бўлмайди-да. Аслида жараён бошқача кечиши керак. Ижодкор муайян жойда бўлиб, одамлар билан сўхбатлашиб, материални тўплаш пайтидаёқ ёзидиган мақоласини чуқур идрок эта олиши, хотирида пишириб, ўша аснода унинг сарлаваҳасини ҳам топиб қўйиши ке-

тати эмасди. Ижодий сафарларнинг бирида махажўхори экишини кенгайтириш ҳақида кўп гапирлиб, қатор-қатор қарорлар қабул қилиниб, лекин амалий ишдан дарақ йўқлигини илғайди. Аҳволни чуқур ўрғаниб, кескин танқидий мақола ёзади.

**Қарорлар чанг босиб тортмада ётар,**  
**Район раҳбарлари**  
**ҳамон гап сотар,**  
деган икки шеърый мисра билан ақунланган. Табиийки, бу ҳам мақоланинг таъсир кучини нихоятда ошириб юборган.

Туманларни айланган қорхоналарнинг бирида фотомуҳбир сурат олиб, одам-

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

**I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш ҳақидаги тартиби" Р-2146-сонли Фармойишига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофиза масалалари ахборот-таҳлил Департаментининг 2007 йил 22 сентябрдаги 07-15-19-сонли хатига асосан қуйидаги таълим муассасанинг вакант (бўш) бўлган директор лавозимига**

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	Оққўрғон тумани транспорт ва сервис ҚХК	Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Аччи ҚФЙ
2.	Бўстонлиқ тумани хизмат кўрсатиш ва энергетика ҚХК	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чорвоқ кўрғони
3.	Бўка тумани агроиқтисодиёт ҚХК	Тошкент вилояти, Бўка тумани, Азаматов ҚФЙ
4.	Зангиота тумани қурилиш ва тадбиркорлик ҚХК	Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бўз сув ҚФЙ
5.	Куйичирчиқ тумани хизмат кўрсатиш ва сервис ҚХК	Тошкент вилояти, Куйичирчиқ тумани, Мингчинон кўрғони
6.	Паркент тумани агросаноат ва сервис ҚХК	Тошкент вилояти, Паркент тумани, Сўжқ қишлоғи, Олмазор кўчаси
7.	Пискент тумани хизмат кўрсатиш ва технология ҚХК	Тошкент вилояти, Пискент тумани, Кориз ҚФЙ
8.	Тошкент тумани маиший хизмат ва тадбиркорлик ҚХК	Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Келес шаҳри
9.	Ўртачирчиқ тумани қурилиш ва иқтисодиёт ҚХК	Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Ўртасарой ҚФЙ, А. Йўлбарисов маҳалласи
10.	Чиноз тумани саноат ҚХК	Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Эски Тошкент қишлоғи, Рамазон маҳалласи
11.	Янгийўл тумани иқтисодиёт ва сервис ҚХК	Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, У. Мусаев кўрғони
12.	Олмалик шаҳар академик лицей	Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри

**II. Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагогик иш стажига эга бўлган, таянч маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган таълим йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.**

**III. Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари:**

1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Шаҳар (туман) ҳокимлигининг тавсияномаси (директор лавозимига номзодлар учун);
3. Таълим муассасаси директорининг тавсияномаси (директор ўринбосари лавозимига номзодлар учун);
4. Суровнома;
5. Таржимаи ҳол;
6. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксероноусхаси;
7. Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатлар ва уларнинг ксероноусхаси (мавжуд бўлса);
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
9. 4х6 ўлчамдаги фотосурат (6 дона);
10. Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзган режаси (концепция);
11. Харбий гувоҳномаининг ксероноусхаси;
12. Паспорт ва унинг ксероноусхаси (турар-жой билан);
13. Меҳнат дафтарчасининг ксероноусхаси;
14. Олдинги ёки ҳозирда ишлаб турган иш жойидан тавсифнома.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб **30 (ўттиз) кун мобайнида** қабул қилинади.

**Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика кўрғони.**  
**Телефонлар: 150-18-66, 266-16-51.**

## ЗАМОНАВИЙ КОММУТАЦИЯ ҚУРИЛМАСИ

Қишлоқ аҳолиси ва инфратузилма объектларини сифатли телефон алоқаси билан таъминлаш мақсадида қўрилаётган техникавий тадбирлар ўз ижобий натижасини бермоқда.

Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига қарашли "Коинот" очик акциядорлик жамияти томонидан олиб борилаётган изланишлар, айнаниқса, диққатга сазовордир. Қишлоқ инфратузилмаси ва аҳолининг телефон хизматига бўлган талаби инobatга олиниб, қорхона янги замонавий коммутация қурилмалари

намуналари яратди. Сигими 64 рақамли коммутация қурилмаси Янгийўл туманидаги "Озод" қишлоғига ўрнатилди. Тажриба тариқасида жорий этилган бундай қурилмалар вилоятнинг бошқа қишлоқларида ҳам фойдаланишга топширилади.

**Акбар АЛИЕВ.**

Ўзбекистондаги бешта ўқув юртига Япония элчихонаси ва Фонди томонидан япон тили бўйича янги ўқув адабиётлари топширилди.

## ЎҚУВ АДАБИЁТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур тадбир Ўзбекистондаги ўқув юртларини қўллаб-қувватлаш ва япон тилини ўқитишда қўлайликлар яратишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Айтиш жоизки, ушбу хайри иш Япон Фонди томонидан дунёнинг кўпгина давлатларида

ўтказилади. Унда адабиётлар, луғатлар, ўқитувчилар учун услубий қўлланмалар тарқатилди. 2007 йил тарихидаги 104 та давлатнинг 1034 та ўқув юртлари янги адабиётлар билан таъминланган.

**Ботир МУСУРМОНОВ,**  
"Туркистон-пресс".

## КЎРГАЗМАДА САРА АСАРЛАР

**Миллий санъат марказида Ўзбекистон халқ расоми Алишер Мирзонинг "Эски шаҳар фарзандиман" номли кўргазмаси намойиш этилди.**

Унда тасвирий санъат муҳлислари расомнинг 100 га яқин асарларини кўздан кечиришди. Тадбирда сўзга чиққанлар ранг-таъсир бу қалб кечинмаларининг сўзсиз ифодаси эканлигини алоҳида таъкидлашди. Дарҳақиқат, инсонлар ҳар доим ҳам эътибор қилмайдиган табиат мўъжизасини, унинг гўзаллигини расом нигоҳи билан англаб, асарларида ифода этади.

Кўргазмада Алишер Мирзонинг портрет, манзара, натюрморт, маиший касб-ҳунар жанрларида ишланган энг сара асарлари намойиш этилди. Расомнинг боқийликка шоирона ёндашуви ва ижодий фаолиятида ёрқин ранглардан самарали фойдаланиши унинг асарларига ўзига хос руҳ бахш этган. Кўргазмага қўйилган асарларни томиша қилар экансиз, ҳар бирида ўзига хос услуб, ўзгача дунё акс этганини кўриш мумкин.

Айтиш жоизки, кўргазманинг "Эски шаҳар фарзандиман" дея номланиши ҳам бежиз эмас. Чунки расомнинг энг жозибадор, миллийликка йўғрилган, болалик йиллари ўтган пойтахтнинг Эски шаҳар қисмидаги хотиралари ўз аксини топган асарлари муҳлисларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда таъкидланганидек, А. Мирзо мазкур ижод намуналари билан дунёнинг турли мамлакатларида бўлиб, хориқликларга ўзбек миллий урф-одати, анъана ва қадриятларини намойиш этган расомдир.

**Сурайё МЕЛИКУЛОВА,**  
"Туркистон-пресс".

## ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

**Тошкент вилояти ҳудудида Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиди) йўналишларда йўловчилар ташини ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2008 йил 12 декабрь куни соат 18.00 да очик тендер ўтказилади.**

- 1. Битта пакет билан:**  
ВХ-321 "Ангрен АШБ — Нуробод АЧСБ"  
ВХ-416 "Қизил тоғ к/ш — Тўйгепа АШБ"  
ВХ-323 "Ангрен ш. — Увақ қ."  
ВХ-373 "Қизилтоғ к/ш — Паркент АШБ"
- 2. Битта пакет билан:**  
ВХ-311 "Ангрен АШБ — Бўка АШБ"  
ВХ-252 "Ангрен АШБ — Бекобод АББ"  
ВХ-417 "Янгиобод ш. — Тошкент АББ"
- 3. Битта пакет билан:**  
ВХ-485 й.т. "Қизгалдоқ маҳалласи — Қўксарой Қ.Ф.Й"  
ВХ-486 й.т. "Келес ш. — Уч қаҳрамон — Шахристон — Минг ўрик АШБ"  
ВХ-487 й.т. "Шўро бозори — Юнусобод 12-мавзеси"  
ВХ-560 й.т. "Тулаби ф.у. — Чилонзор буюм бозори"  
ВХ-561 й.т. "Консерва заводи — Минг ўрик АШБ"



Йўловчилар ташини ташкил этиш вилоят комиссияси.

**Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Лиесунова кўчаси 4/68-уй.**

Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Тошкент вилояти ҳудудида Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиди) йўналишларда йўловчилар ташини ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)нинг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га 56080 сўм ўтказиб, 2008 йил 7 декабрда буюртма беришлари лозим.

Тошкент вилояти ҳудудида Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиди) йўналишларда йўловчилар ташини ташкил этиш вилоят комиссияси тендер тақлифларини 2008 йил 11 декабрь соат 18.00 гача қабул қилади.

**Тендер ўтказиш манзили:**  
**Тошкент шаҳри,**  
**Мовароуннахр кўчаси, 17-уй.**  
**Вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали,**  
**Маълумот учун телефон:**  
**(+99871) 294-92-43.**

**SSANGYONG АВТОСАЛОН**  
МЧК "ULOR AVTO" расмий вакили SsangYong Motor Company (Жанубий Корея)  
ACTYON KYRON TEXTON RODIUS  
Германия технологияси асосида Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган  
Махсус сертификатланган Божхона тўлови тўланган  
Тошкент ш., У. Носир к., 12. Тел.: (+99898)123-10-20, (+99898)124-30-40, (+99871)150-71-20. Ф. (+99871)150-71-21  
Гарантия-2 йил (40 000 км)



# ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ТАРАДДУД

Яна бир неча кундан сўнг кураш бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун Туркиянинг Истамбул шаҳрига жўнаб кетади.

15-16 ноябрь кунлари Туркияда бўладиган жаҳон чемпионатида дунёнинг олтинчи зияда давлатларидан келган полвонларнинг иштироки кутилмоқда. Унда эркеклар еттига, аёл-

лар бешта вазнда гиламга чиқади.

Айни пайтда ватани шарафини ҳимоя қиладиган етакчи полвонлар пойтахтдаги "Сағбон" спорт мажмуасида мураббий Мурод


Дўстимбетов ва Машхура Мавлоновалар бошчилигида сўнгги машғулотларни ўташмоқда. Ун икки кишилик таркиб бу йилги мамлакат чемпионати якулига қараганда муваффақият қозонганлари ҳам бор. Жумладан, 73 килограмм вазн тоифасида қатнашадиган

Ҳаё Имомов Англияда ўтказилган турнирда голибликни қўлга киритган. 81 килограммда гиламга чиқадиган Баҳодир Фаниевга ҳам мураббийлар катта ишонч билдиришмоқда. Жамоанинг қолган аъзолари учун жаҳон чемпионати дастлабки йирик синов бўлади.

"Туркистон-пресс".

## «КАМОЛОТ» ШАХМАТ ТАХТАСИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, халқ таълими бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, ўрта махсус касб-хуна таълими бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамда шахмат федерацияси ҳамкорлигида "Камолот" шахмат тахтаси турнирининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.



Феруза Тўраева.

Мусобақада вилоятимизнинг барча шаҳар, туманларидан жами 84 нафар ёш спортчи иштирок этди. Бекобод шаҳридан Ф. Жамолов, Қибрай туманидан С. Боймуродова, Чирчиқ шаҳридан Р. Абдусайдов ҳамда Ш. Бойматова голиб чиқиб, республика босқичига йўланма олдилар.

Юртимизда фаолият олиб бораётган Мудофаа кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти йил давомида қатор спорт мусобақаларини мунтазам равишда ўтказиб келади.

## ПОЙГАДА ГОЛИБ АНИҚЛАНДИ

Жумладан, Олмалик шаҳридаги трассада мотокросс бўйича Ўзбекистон кубоги бахслари ўтказилди. Техник ва амалий спорт турларига кирувчи ушбу мусобақада Россия, Қозғистон ва республикамиздаги жамоалар иштирок этди.

Мусобақада жами саксон нафар иштирокчи мотокроссинг тўрт йўналиши бўйича ўз имкониятини синнаб кўрди. Мазкур йўналишда Тошкент жамоаси шарафини ҳимоя этган Евгений Ливофга тенг кела-

диган рақиб топилмади. Мурасосиз курашда у навоийлик Григория Таркинговни ортда қолдирди. Қолган уч йўналишда тошкентлик Александр Камрашув ҳамда навоийлик Павел Биново шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди.

Умумжамоа баҳсида эса Навоий шаҳри кон-металлургия жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

Рустам Ҳайдаров, "Туркистон-пресс".

Пискент туманидаги "Жанубий" автополиго-нида автомобиль ҳалқа пойгаси бўйича Ўзбекистон чемпионатининг финал босқичи бўлиб ўтди. 40 дан зиёд пойгачи қатнашган мусобақани Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, республика техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамда Ўзбекистон миллий автомобиль федерацияси ҳамкорлиқда ташкил этди. Мазкур мусобақа ёшлар йили муносабати билан ўтказилди.



## «АЗИЯ РЕЙСЛИНГ ТИМ» КУБОК СОҲИБИ

Чемпионат икки босқичдан иборат бўлиб, унинг биринчи босқичи шу йилнинг ёз ойида

ўтказилган. Иккинчи босқичга етиб келган спортчилар тўрт йўналишда беллашишди.



Яқуний натижаларга кўра, пойтахтнинг "Азия Рейслинг ТИМ" клуби кубок соҳиби бўлди. Антон Антоненко, Александр Литвиненко ва Шерзод Жумаев турли йўналишлар бўйича маррага биринчи бўлиб етиб келишди.

Хуршида НАЗАРОВА.

СУРАТАРДА: ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, мусобақа жуда қизгин ўтди.

## Ёнғин хавфсизлиги ойлиги ОЛОВ — ФАЛОКАТ ЭМАС, ДУСТ БУЛИБ ҚОЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисидаги фармойишда ҳар бир соҳа йўналишида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, хизмат ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги конуноқдаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкиллаштирилган.

Тадбирлардан кўзланган мақсад, аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтиришдан иборат. Бирок, таъкидлаш жоизки, тизис ёв билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас, бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" шiori ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқлидир.

Жумладан, очик алангадан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш ҳамда қўлбола электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик, фақатгина, белгиланган жойларда чекиш лозим.

Мазкур коидаларга риоя қилинса, ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулкни, уй-жойини, қолаверса, ўзини ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади. Сир эмаски, қўлаб фуқароларимиз хонадонларини иситиш ниятида қўлбола мосламалардан фойдаланиб, натижада нафақат уйлари, балки, ўз ҳаётларини ҳам барбод қилмоқдалар.


Собир Раҳимов тумани Сағбон 11-тўрт кўчаси 1-уйда содир бўлган ёнғинда 80 кв.м атрофида уй ичлари, тоқ қисмлари зарар кўрган. Шу туманининг Гулзор кўчаси "Туйиқ ота" фермер хўжалигида содир бўлган ёнғинда 100 кв.м молхона ва сакланаётган сомонлар ёниб кетди. Агар биз ёнғин хавфсизлиги коидаларига риоя қилсак, олов фақат фойдамизга хизмат қиладди.

Фаррух ХУСАНОВ, ёнғин хавфсизлиги ноэри.

## Юксак маънавият — қудратли куч

Бу хонадон остонасига қадам қўйган киши ундан таралаётган меҳр-оқибат нуридан яйраб кетади. Алломаларимизнинг "Улуғлик — оддийликдир" деган сўзлари шуурингизни қамраб олади. Истиқболнингизга пешвоз чиққан, юз билан юзлашиб қолган Ойимбуви момонининг шахдам қадамлари, зийрак нигоҳларидан завқланиб кетасиз.

— Э, чироқларим, келинлар, қадамларингизга ҳасанот, омон бўлинглар, — дуо қиладди момо.



Асли ўратепалик Ойимбуви момони бекободликлар Ойимчуқ дея эрқалашларида ҳам бир хижмат бордек. Ўзига хос лажаси, ёруғ юзи, кенг феъли билан одамларнинг меҳрини қозongan момо ҳозир ҳам яқинларини ўзи бориб йўқлаб келаварар экан.

— Рихсixon аянинг таърифини эшитиб, бир сўхбатларини олайлик дегандик... — Ҳа, жуда тўри қилиб-

йиллик ҳайдовчилиги, опани чаконлиги, меҳнатқилиги боис фарзандлар зорикмай катта бўлишди. Ҳозир ҳаммаси эл хизматида.

— Ҳа, айланай, эркек уйининг устун, аёл киши қўриқиси булар экан, — дейди Рихсixon ая. — Шу болалар меҳнатга ўргансин, ҳаётда қийналасин дея туну кун тиним билмадик. Яратганга

бўлсин, ҳеч тинмайди: олма, узум, анор, беҳи, хурмо, ёнғок, ёрнғок, бодом, майиз, мағиз. Нимасини айтай, э, шולי, макка, нухат, мош ҳам ўзимиздан, айланай.

— Ҳайрат ва ҳавас билан Рихсixon аяга қарайми.

— Узим асл дехқон фарзандиман, — дейди у. — Сирдарёнинг бир қисми бизнинг шарҳимиздан ўтган. Қараб турсам, дарё буйи тошқок,

мехнатга ўрганган киши ишсиз ўтиролган экан. Ўғилларим тадбиркор. Бўш пайтларимда кўрпа-ёстиқ тикаман. Кўпинча тўйга тикиладиган кўрпаларни қавиб бераман.

Қилаётган ишинг аввало оилангга, эл-юртга манзур бўлса, бундан ортқ бахтининг ўзи йўқ. Ҳозирги дорилоним кўнларда ҳар ким ўз тақдирини ўзи яратишига, хоҳлаган иши билан шуғулланишига имкон берилган. Бунинг қадрига етиш керак. Мен, айниқса, ҳаж сафарига борганимда юрт қадрини хис этдим, мустанқиллик шарофатидан қалбим қувончга тўлди. Илгарилари ҳажга бориш у ёқда турсин, руҳсатсиз четга чиқиш мумкин эмас эди...

Рихсixon аяни хоқор, самимий инсон дедик. Шу ўринда бир воқеани айтмасликнинг иложи йўқ: ҳаж амалларини адо этиш пайти, ҳамюртларидан бирининг оғвириб юролмай қолган экан.

— Қарасам, оёғини босолмай қийналяпти, — дейди ая, — қолиб кетиши мумкин. Уни елкамда оличлаб, Макканинг атрофини айланиб чиқдик...

Ана шунақа гаплар. Орамизда Рихсixon аядек ҳаётга ошфурта, меҳрга, меҳнатга ташна, хижмати банд инсонлар кўп. Улар бор — ҳаёт гўзал, яшаш мароқли. Шундайлар доим бор бўлсин.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

СУРАТДА: Рихсixon ая Умарова умр йўлаши, қайнонаси ва неваралари билан.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

# КЕЛИНИМ ЎЗИМГА ҲАҚИҚАТИ...

сизлар, Рихсixon менинг тўнғин келиним, жуда ақли, чакон, — дейди момо фохр билан. — Узимга ўхшайди...

Халқимизнинг "Келиннинг зуваласи қайнонанинг тупроғидан" деган яна бир ибораси ёдимизга тушади. Рихсixon Умарова — асли Буканин Жалойир, ҳозирги Қорақўли қишлоғидан. Аммо, Бекободнинг ҳозирги Рудакий маҳалласида тул қўйиб, паллак ёзганига анча йиллар бўлган. Салкам 70 ёшли онахонинг гайрати, ишчанлиги, тадбиркорлиги оғизга тушган. Маҳалладошлари, қариндошлари хурмат-эъзозига сазовор бўлган ва аёл ҳақида маҳалла маслаҳатчиси Ўғилбой Хошимова шундай дейди:

— Рихсixon опа маҳалламизнинг энг обрў-эътиборли онахонларидан. Умр йўлдоши Бобоно ота билан олти фарзанд — беш ўғил, бир қизни оқ юйиб, оқ тараб катта қилишган. Отанинг қирқ

шукр, меҳнатларимиз зор кетмади. Ўғилларимнинг ҳаммаси ақли, қўшли. Икки ўғлим тадбиркор. Фақат, иккинчи ўғлим, Ислоҳжоним пешонамга сиймади. Эсиқ, қирқ ёшида бизни ташлаб кетди...

Шу пайт оқ-сарикдан келган, малла сочи рус йигити тавозе билан, қўллари кўксидан қириб келди. Рихсixon ая уни таништирди:

— Бу кенжа ўғлим Абдуллажон. Исминини ўзим қўйганман. Қўлини ҳалоллаб олганмиз...

Маълум бўлишича, Абдуллажон қаровсиз қолган рус боласи, уни Рихсixon ая ўғил қилиб олган экан. Еттинчи ўғлини уйлантириш тарадудидан эканлигини айтarkan, аянинг ҳажжони ўғлига ўтди шекилли, қизариб кетди.

— Олинлар, азизларим, дастурхонга қаранлар, — дейди Ойимбуви момо. — Буларнинг ҳаммаси ўз боғимиздан. Келиним омон

бекор ётибди. Болалар билан бориб тозаладик. Шולי эдик. Ҳозир сал кам бир тонна гурчмиз бор. Бу ҳам бўлса, мустанқилгимиз шарофати. Илгарилари ерга эгалик қанда эди...

— Етти-саккиз қоп ёнғокни ҳам гамлаб қўйган, — дейди момо гурур билан.

— Сизнинг ёшингизда шунча ишларни бажариш... — Менинг ёшимда қайнонам ҳам тиним билмас эди. Кейин, тадбиркорликка рухсат берилгач, сув бўйига бетондан каттак ясаб, сувсар бокдик. Эҳ-ҳе, уни боқиб-шнинг ўзи бўлмас экан. Ёзда сабзавот, қишда кепак, қаттиқ нон бериб боқар эдим. Терисини сотиб, гўштини оватга ишлатардик. Билсангиз, гўшти жуда фойдали дейишди. Тўри экан. Кейин, ўзим ҳам бекор ўтирмаймман. Ҳозир, ўғил-қиз, келин-кечаклардан иш ортмайди. Худога шукр, қўлимдан ишимни олишган. Лекин,

бўлсин, ҳеч тинмайди: олма, узум, анор, беҳи, хурмо, ёнғок, ёрнғок, бодом, майиз, мағиз. Нимасини айтай, э, шולי, макка, нухат, мош ҳам ўзимиздан, айланай.

— Ҳайрат ва ҳавас билан Рихсixon аяга қарайми.

— Узим асл дехқон фарзандиман, — дейди у. — Сирдарёнинг бир қисми бизнинг шарҳимиздан ўтган. Қараб турсам, дарё буйи тошқок,

мехнатга ўрганган киши ишсиз ўтиролган экан. Ўғилларим тадбиркор. Бўш пайтларимда кўрпа-ёстиқ тикаман. Кўпинча тўйга тикиладиган кўрпаларни қавиб бераман.

Қилаётган ишинг аввало оилангга, эл-юртга манзур бўлса, бундан ортқ бахтининг ўзи йўқ. Ҳозирги дорилоним кўнларда ҳар ким ўз тақдирини ўзи яратишига, хоҳлаган иши билан шуғулланишига имкон берилган. Бунинг қадрига етиш керак. Мен, айниқса, ҳаж сафарига борганимда юрт қадрини хис этдим, мустанқиллик шарофатидан қалбим қувончга тўлди. Илгарилари ҳажга бориш у ёқда турсин, руҳсатсиз четга чиқиш мумкин эмас эди...

Рихсixon аяни хоқор, самимий инсон дедик. Шу ўринда бир воқеани айтмасликнинг иложи йўқ: ҳаж амалларини адо этиш пайти, ҳамюртларидан бирининг оғвириб юролмай қолган экан.

— Қарасам, оёғини босолмай қийналяпти, — дейди ая, — қолиб кетиши мумкин. Уни елкамда оличлаб, Макканинг атрофини айланиб чиқдик...

Ана шунақа гаплар. Орамизда Рихсixon аядек ҳаётга ошфурта, меҳрга, меҳнатга ташна, хижмати банд инсонлар кўп. Улар бор — ҳаёт гўзал, яшаш мароқли. Шундайлар доим бор бўлсин.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

СУРАТДА: Рихсixon ая Умарова умр йўлаши, қайнонаси ва неваралари билан.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

## КОРХАТ

Кунлар бир-бирини шунчалар тез қувиб ўтмоқдаки, гўё ойлар кетидан йил ҳам бир муддатда ўтиб кетгандай.

Кенчагина биринчи қор ёққан эди. Бугун эса бир йил ортда қолиб, табиат бизни яна оппоқ қорлари билан сийлади.

Ҳозир катта танаффус. Мактабнинг иккинчи қаваат деразасидан ўқувчиларини кузатаман. Биринчи қор уларга бир олам шодлик ҳада этган. Қорбўрон уйнаб, музда сирпанчик уяётган болаларнинг қийқириқларидан уларнинг севинчи ичига сиймаётганини аңглаш қийин эмас. Дарвоқе, бу йилдан тўполончиларим анча улғайиб қолишибди. Энди ўтган йилдагидек болаларча савол беришмасча ҳам керак.

— Устоз, нима учун биринчи қор ёққанда ҳамма бир-бирини табриқлайди? Шу кун Корхат ёзишадими? — деган эди ушанда бир ўқувчим дарс пайтида.

— Ҳа, албатта. Биринчи қор — поклик элчиси. У — киш фаслининг қўрқи. Шунинг учун биринчи қор

ёққанда ҳамма бир-бирини табриқлайди. Дўстлар кўнгли ақинларига қорхат ёзиб, истакларини баён этадилар. Қорхат олган киши унда ёзилган истакларини бажариши шарт. Шунда унинг ҳам биринчи қордан сураган барча тилақлари рўёбга чиқади.

Ҳа, бир йил олдин ўқувчиларимни қорхат қизиқтирган эди. Бугун эса барча қизиқларини қор уйинларига алмаштирибдилар. Балки танаффус туғаниши хохламаятган бўлсалар керак. Чиқишга қўнғирок чалиниши билан синфда бирорта бола қолмай, ташқарига отилишганди...

Синф эшигининг охира очилиши ҳаёлимни бўлди. Рустам экан. — Устоз, тунов кунни касал бўлиб қолганим учун шифокор маълумотнома ёзиб берди, — у чўнтагидан тўрт буқланган қоғоз олиб, менга узатди ва шошилганча ортига қайтди. "Энди тузукмисан?" деган саволимга эшикни ёпа туриб маъноли кулиб жавоб қайтарди.

— Қоғозга кўз ташладим. Ажабо, Қорхат экан.

## Рассом хандаси



А. ҲАКИМОВ чизган расм.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Ўзлонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.